



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 3 апрель, чоршанба

№26 (11.414)

Эркин нарҳда сотилади

Боқий шаҳарнинг жаҳон маданиятидаги ўрни

Юртимизда шу кунларда Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан "Термиз шаҳрининг жаҳон цивилизациясида тугган ўрни" мавзуда халқаро илмий анжуман ўтказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 декабрдаги "Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўлимига қарор қилиш" ҳақидаги қарори билан ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясининг Термиз шаҳри 2500 йиллигини дунё миқёсида нишонлаш ҳақидаги қарори доирасида ўтказилган мазкур анжуман Фанлар академияси, Ташқи ишлар, Маданият ишлари вазирликлари, Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилди.

Илмий анжуман иштирокчилари Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тарихи мисолида Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё тарихига оид кўпгина масалаларни янада ойдинлаштирди. Бу заминда Ҳаким Термизий, Исо Термизий, Собир Термизий каби ўнлаб буюк алломаларимиз етишиб чиққани, жаҳон фани ва маданиятининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланди.



МАЪЛУМКИ, қўламги экиш мавсумига ҳар томонлама пухта тайёргарлик қилиниши таъминлаш мақсадида тузилган махсус комиссиянинг изчил саъй-ҳаракати туфайли керак техника воситаларини сошлаш, пахта майдонларини тартибга келтириш бўйича белгиланган чоралар тўғрисида маълумот берилди. Жумладан, жами 1318та севляк, шу жумладан плёнка остига чигит қадайдиган 348та агрегат жойларда экиш суръатлари таъсир қилмай қолмади. Айрим қунларда севлякларни далага олиб чиқишнинг иложи бўлмади. Лекин, шунга қарамай, бир қатор туман ва ҳўжалиқларда бош имкониятларни ишга солиш

ҲАНИМАТ ДАМЛАР

Вилоятимиз хўжалиқларида чигит экиш кизгин паллага кирди

БУ ЙИЛ вилоят бўйича 110 минг гектар, шу жумладан 20 минг гектар майдонда плёнка остида пахта етиштириш режалаштирилган. Ўтган йиллар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда чигит экишни узоғи билан 15 апрелгача тугаллаш мўлжалланган эди. Ҳўш, бугунги кунда плёнка остига ва очикча чигит экиш қандай борапти?

экишга барвақт тайёрлаб қўйилди. Бу эса, чигит экишни аввалги йиллардагига нисбатан барвақтроқ бошлаш имкониятини яратди. Бирок, ўтган ҳафтада юз берган сурунқали кучсиз-кучли ёғингарчиликлар

га, ҳар бир қулай дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Изланган, интиган иложини топади, деганларидек Бекобод, Бўка, Янгийўл, Пскент, Оқўғор туманларида чигит экиш вилоятдаги ўртача суръатдан бирмунча юзори бўляпти. Бекобод тумани хўжалиқлари плёнка остига чигит экиш режасини вилоятда биринчи бўлиб баҳардирлар. Плёнка учун ажратилган 1000 гектар майдоннинг сўнгги гектарларига кеча чигит қадаб бўлинди. Бўка ва Янгийўл туманларида бу топириқ бугунгача 60 фоизга, Пскент ва Оқўғор туманларида 54-55 фоизга етказиб оид этилди. Вилоят бўйича эса, кечаги кунгача 9511 гектар ерга плёнка остига чигит қадалди. Бу режага нисбатан 47,6 фоизга тенг. Плёнка остига экиш суръати бундан анча юзори бўлиши мумкин эди. Аммо, баъзи туманлар вилоятни орқага тортмоқдалар. Масалан, Ўртачирчиқ ва Юқоричирчиқ туманларида шу кунгача 25-30 фоиз майдонгача чигит қадалди.

экишни ҳам аллақачон бошлаб юборганлар. Жумладан, Янгийўл туманида кечаги кунгача 1700 гектар очик майдонга чигит қадашга угурилди. Бу топириққа нисбатан қарийб 22 фоизга тенгдир. Чиноз ва Пскент туманларида ҳам 1600-1800 гектар очик ерга чигит экиб қўйилди. Вилоят бўйича кечаги кунгача жами 12884 гектар, шу жумладан 9511 гектар майдонга плёнка остига уруғ қадалди. Бирок, айрим туманларда очикча чигит экишда ҳам сусткашликка йўл қўйилмоқда. Масалан, Ўртачирчиқ ва Куйичирчиқ туманларида бу борадаги топириқ эндигина 6-7 фоиз баҳарилди, холос. Егинли қунлар ўтиб, ҳаво исий бошлади. Экиш агрегатларининг далаларда бемалол ҳаракат қилиши учун шароит этилди. Эндиги вазира мавжуд 1318та, шу жумладан плёнка остига чигит қадайдиган 348та севлякни ҳар кун далаларга тўлиқ олиб чиқиб, уларнинг қувватидан юксак унум билан фойдаланиш ва 15 апрелгача экиш мавсумини муваффақиятли якунлашни таъминлашдан иборатдир.

Абдусамат Йўлдошев, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: Чиноз туманидаги С. Раҳимов номидаги хўжалиқ пудратчиси Иброҳим Турсунбоев даласидаги сўнги гектарларга плёнка остига чигит экилаётган пайт. Александр МАЛЬЦЕВ олган суратлар.

Германиянинг Штутгарт шаҳридаги Линден музейида "Ўзбек бадий хунарамчилиги: тарих ва замонавийлик" мавзусига бағишланган кўргазма очилди. У мамлакатимизнинг ГФРдаги элчихонаси ҳамда "Даймлер-Крайслер" фирмаси томонидан ташкил этилди.

Штутгартда санъатимиз кунлари

Кўргазманинг расмий очилиши маросимига уланиб кетган конференцияда Германия ҳукумати ва Штутгарт шаҳри маъмурияти, иқтисодий, маданий, илмий диралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, олий ўқув юрталарининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда музей директори профессор Томас Михель сўзга чиқиб, "Штутгартда Ўзбекистон санъати кунлари"нинг бошлангани ҳам 1995 йили Ўзбекистон ва Германия Президентлари иштирокида ўтган "Ўзбекистон - Буюк Ипак йўли мероси соҳиб" кўргазмаси аънаъларини давом эттаётганидан далолат беришини айтиди.

Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб илмий экспедицияда бўлган профессор Й. Кальтер, яқинда Ўзбекистон сафаридан қайтиб келган журналист Ангела Ресс, Тюбинген университети профессори Ханс Гаубе, Штутгарт университети қошидаги шаҳарсозлик институти ўқитувчиси Анетт Наглерс ҳам сўзга чиқиб, Ўзбекистон, унинг бетакдор кўёфаси, халқимиз етиштирган қўлпа буюк мутафаккирлар қолдирган таассуротлари ҳамда ўларнинг келгусидаги режалари билан ўртоқлашдилар.

"Жаҳон" АА.

ВИЛОЯТДА КАДРЛАР КУНИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг тақдирини, қай даражада ривожланиши ва амалга оширилиши кўп жиҳатдан кадрларнинг савияси, иқтидори, сўй-ҳаракати боғлиқ. Шунинг учун ҳам республикада бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда.

Қолаверса, даврнинг ўзи бугунги раҳбардан алоҳида фидойилик билан меҳнат қилишни талаб этмоқда. Сўнгги йилларда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳам кадрлар билан ишлаш, уларни жой-жойга қўйиш, қайта тайёрлаш, айниқса, иқтидорли ёшларни раҳбарликка тайёрлаш борасида кенг қўламли тадбирларни амалга оширмоқда. Мана икки йилдирки, кадрлар тайёрлаш дастурига мувофиқ улар учун махсус ўқув семинарлари ташкил этилмоқда. Бевоқиф шахар ва туманларда ўтказилган бўлиб, "Вилоятда кадрлар кунин" ҳам ана шу ишларнинг узвий давомига айланмоқда.

Шу йилнинг 2 апрель кунин навбатдаги "Вилоятда кадрлар кунин" тадбири Зангиота туманида бўлиб ўтди. Ҳокимликнинг катта мажлислар залига вилоят ҳокимлигининг бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шахар туман ҳокимлари, уларнинг ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича ўринбосарлари, вилоят ҳокимлигининг захирдаги кадрлар тизими вакиллари йиғилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессияси олдидан

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрель кунин эрталаб соат 10да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 3 апрель кунин соат 9.00дан 18.00га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида бўлиб ўтди.

ҚОНУНЛАРГА – МУКАММАЛЛИК, ТўЛАҚОНЛИК, ТАЪСИРЧАНЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҳар бир сессияси муваққат мамлакатимизда демократик давлатнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш, қонунийликни халқаро андозлар даражасига кўтаришда янги муҳим қадам бўлишига ўрганиб қолдик. Шу боис ҳар биримиз парламентнинг навбатдаги йиғилишини орзиқиб, интиқлик билан кутамиз, у қабул қилинган қонунлар ҳақ-ҳуқуқимизни кенгайтириб, ишончли ҳимоялашга умид билан ашаймиз.

Сийсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган депутатлар диққатига Олий Мажлисида 3 апрель кунин соат 11.30да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи, соат 14.30да "Адолат" Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи йиғилишлари ўтказилади.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси эса, мамлакатимизда муваққат ҳуқуқий давлатчиликни таъминлаш мақсадида алоҳида ўрин тутди. Чунки, ушбу сессия Ўзбекистон фуқаролари хоши-иродасининг ифодаси бўлган умумхалқ овоз бериши – Референдум натижаларини кўриб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Референдумининг қарорларини амалга оширишга доир қонун ижодкорлиги

ҳамда давлат ҳокимиятининг қонуни чикарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқлари ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисидаги Қонун лойиҳасини тайёрлаганига алоҳида аҳамият моликдир. Олий Мажлис депутатлари кўриб чиқадиган бошқа қонун лойиҳалари ҳам муҳим. Чунки, саккизинчи сессияда "Шарҳсозлик кодекси", "Кредит уюшмалари тўғрисида", "Суғурта фаолияти тўғрисида", "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш қарорлари тўғрисида", "Чивандилар тўғрисида"ги қонунларнинг лойиҳаларини иккинчи ўқишда муҳокама қилиш кутилмоқда. Бу лойиҳаларнинг ҳар бири янгилик билан таъсирчан бўлишини таъминлайди.

СУГУРТА – ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Бу ҳақдаги қонун мукаммал бўлмоғи лозим. Маълумки, Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VII сессиясида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланиб, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Лойиҳа айни пайтда вилоятимиз суғурта идоралари мутахассислари, қолаверса кенг жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотмоқда.

"Мадад" суғурта агентлигининг Тошкент вилояти филиали директори, иқтисод фанлари номзоди Камолжон Шодиметовга мурожаат этиб бу борада фикр-мулоҳазалари билан қизикди. "Камолжон Шодиметович, суғурта тизимининг аҳамияти нимада?" – Жамиятимиз олдида суғурта бўлиб қолди, уларга шароит яратиб бериш ўта муҳимлиги билан ажралиб турибди. Бу жараёни ташкил этиш, унинг ривожланишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти ривожига тўқунлик қилувчи омилларни бартараф этиш, ҳар хил таъсирларни сусайтириш ва бу фаолият билан боғлиқ зарарларнинг бир қисмини қоплаш суғурта тизими ёрдамида амалга оширилиши мумкин. – Мамлакатимизда суғурта ишини йўлга қўйиш учун ҳуқуқий асослар яратилганми? – Муваққатимизнинг илк йилларида суғурта тизимининг янги ҳуқуқий асослари яратилди ва бу соҳада ҳам бозор муносабатлари ривожланишига йўл очилди. Шу мақсадда 1993 йили "Суғурта тўғрисида" Қонун қабул қилинди, 1997 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ҳам суғурта фаолиятида томонларнинг муносабатларини тартибга солишга хизмат қила бошлади. Бу ҳужжатлар суғурта тизимини иқтисодийнинг бошқа тармоқларида бўлганидек босқичма-босқич ислоҳ этилишини белгилаб берди. 1997 йилнинг декабрь ойида "Суғурта тўғрисида"ги Қонун янги таҳририда қабул қилиниши, 1998 йил июль ойидаги Вазирлар Маҳкамасининг

(Давоми 2-бетда).

Ўз мухбиримиз.

ИНСОН — ЖАМИЯТ — ҚОНУН

«Тошкент ҳақиқати»нинг ҳуқуқий саҳифаси

Президентнинг амнистия тўғрисидаги Фармони бажарила бориб, бугунги кунга бир неча минг киши озод этилди, — деди Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Шораҳим Расулов. — Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган ва Фармон қўлланиб шу жазолардан озод этилганлар 3723, тергов жараёнда ёки судда қўрилмасдан ҳаракатдан тўхтатилган жиноий ишлар бўйича озод этилганлар 793 кишини ташкил этди.

Жазодан барвақт озод этилган юрдошларимизнинг аксарияти қариндош-уруғлари, ёр-бирдорлари бағрига қайтиб, ўз турмушларини йўлга қўйиш ҳаракатига тушиб кетишди. Улар ишга жойлашиб, меҳнат қилмоқдалар, фарзандлари тарбияси билан шуғулланаётганлар. Маҳаллаларнинг оқсоқоллари, давлат идоралари, жамоат ташкилотларининг фаоллари, қорхоналарнинг раҳбарлари асосий ҳолларда бу шахслар янги-янаётган ҳаётимиздан ўз ўринларини топиб олишлари учун хайрихоҳлик кўрсатиб, ҳар жиҳатдан уларга ёрдам беришга интилоқдалар. Қамқондан қайтиб келган кишиларнинг кўпчилиги ижтимоий-маиший масалаларда ёрдам кўрсатилди. Жумладан, ижтимоий кўнма маркалари томонидан 59 миллион 242 минг сўм ёрдам пули олиш учун йўланамалар берилди. Паспорт олишда, ишга жойлашишда ёрдам кўрсатилди.

Лекин «Тошкент ҳақиқати» таҳририятига келадиган хат-хабарларга қараганда бу жараёнда бирқадар эътиборсизлик, ўзибўлмаслик ҳоллари ҳам юз бермоқда. Натيجида жиноятга такрорий қўл уриш фактлари содир бўлаётди.

Муаммоларнинг энг асосийларидан бири — амнистия бўйича озод этилганларга паспорт бериш масаласидир. Айрим ҳолларда улар паспорт олиш учун

тўловларни тўлаш имкониятига ҳам эга эмаслар. Ижтимоий кўнма маркалари орқали берилмаган пулни олиш учун эса вақт керак. Бу ишда сансалорлик фактлари ҳам юз берапти. Қамқондан келган шахс бундай марказга мурожаат этиб, қўлга пул тегадиган кунгача орада ойлари ўтиб кетаяпти. Чунинчи, Тошкент туманида ижтимоий кўнма маркага орқали бундай шахсларга пул ажратилган, ammo турли баҳона би-

риш идоралари гоҳи ҳолларда хатто қорхона, ташкилот ёки муассасалардаги бўш иш ўринларига оид маълумотларга ҳам эга эмаслар. Маҳаллаларда қамқондан қайтиб келган кишиларнинг оилавий-маиший шароитларини ўрганиб, аэор ёрдам кўрсатишга эътибор сўст. Айрим ҳолларда бундай кишилар ҳокимликлар ҳузуридида ижтимоий кўнма маркага орқали бундай шахсларга пул ажратилган, ammo турли баҳона би-

риш идоралари гоҳи ҳолларда хатто қорхона, ташкилот ёки муассасалардаги бўш иш ўринларига оид маълумотларга ҳам эга эмаслар. Маҳаллаларда қамқондан қайтиб келган кишиларнинг оилавий-маиший шароитларини ўрганиб, аэор ёрдам кўрсатишга эътибор сўст. Айрим ҳолларда бундай кишилар ҳокимликлар ҳузуридида ижтимоий кўнма маркага орқали бундай шахсларга пул ажратилган, ammo турли баҳона би-

ри, жамоат ташкилотлари билан бу борада яқин ҳамкорликда ишлаяпти. Барча шахар ва туманларда афв бўйича қамқондан бўшб келганларнинг йиғилишларини ўтказди. Уларни ишга қабул қилиш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш жараёнини тезлаштирилмоқда.

Шораҳим Мансурович, биласизки, вилоятимизда наркотик моддаларнинг тарқалиши кучаяётганлиги,

мобайнида 72 киши шу «касаллик» туфайли жиноий жавобгарликка тортилди.

Энг таъбиридан, наркотик моддаларни ташиш ва сотишга воғая етмаган болалар ва аёллар жалб этилмоқда. Яқинда Ангрэн шаҳрида наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар содир этаётган 34 киши қамқонда олинди. Тергов жараёнида наркотик моддалар Тожикистондан олиб келинаётганлиги, уни ташиш билан Сурхондарёлик «наркокурерлар» шуғулланиши аниқланди. Бошқа бир ҳолатда Тожикистоннинг 2 фуқароси 2 кило героинни вилоятимиз орқали Россияга олиб ўтиш чоғида қўлга олинди.

Бугунги кунда наркологик рўйхатда турувчи шахслар 1368 кишини ташкил этади. Вилоятимизда гиёҳвандлар кўпайиб, оилалар барбод

замонавий техника воситалари билан таъминлаш чоралари кўрилади.

Эндиликда асосий куч ва воситаларимиз бевоисита аҳоли яшайдиган жойлар, маҳаллаларга жамланмоқда. Айни ҳалқ орасида иш олиб бориш жиноatchилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга кенг жамоatchиликни жалб этиш имконини беради. Милиция таянч пунктлари барча ишларнинг марказига айланиб бормоқда.

Хозирги пайтда вилоятимизда 291 та милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Ангрэн шаҳри, Бўстонлик, Зағзота, Қибрай, Янгийўл, Бўка ва Тошкент туманларида барча талабаларга жавоб берадиган таянч пунктлари қўрилди. Умуман, вилоятимиз шахар ва қишлоқларда 314 та милиция таянч пунктларини барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Бекобод шаҳри тажрибаси мисолида таянч пунктларимиз фаолияти қандай самара бериши мумкинлигини кўраётимиз. Бу ерда ташкил этилган таянч пунктида профилактика инспекторлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси, яраштириш комиссияси, маҳалла посбонлари ёнма-ён, бамааслахат иш юрифтайтирлар. Таянч пунктнинг теваарак-атрофи ободонлаштирилиб, болалар учун спорт майдончаси, волейбол ва баскетбол майдонлари барпо этилди.

Куйичирчик туманининг «Ўзбекистон 5 йиллиги» кишлоғидаги милиция таянч пункти ҳам жиноatchилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқий тарғибот марказига айланди. Шу ерда иш олиб бораётган ҳуқуқий маданиятни юксалтириш марказида эса, ҳўжалик ходимлари, тадбиркорлар, фермерлар учун махсус дастурлар асосида машғулотлар ўтказилмоқда. Оқўрғон туманидаги милиция таянч пункти ҳудудида йўл ҳаракати қондаларини тарғибот қилиш ва ўргатиш мақсадида мукамал жиҳозланган автошаҳарча қўрилди.

Биз фақат биргаликда ҳаракат қилибгина жиноatchиликни бартараф эта оламиз, — деди пировадиди милиция полковниги Шораҳим Расулов. — Бу — фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги сазй-харакатларимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолиши керак.

Солиққа тортиш қондаларини биласизми? СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Савол: Турғун савдо дўқонида фаолият юритаётган тадбиркор фуқаро назорат-касса аппаратида фойдаланмаётган бўлса, унга нисбатан молиявий жарима қўлланилади-ми ёки маъмурий жаримами?

Жавоб: Турғун савдо дўқонида фаолият кўрсатаётган чоғларида назорат-касса аппаратида фойдаланмаётган жисмоний шахсларга молиявий жарима қўлланилмайди. Бирок улар савдо қондаларини бузган ҳодаларнидан иборат бўлган ҳодаларга белгиланган тартибда маъмурий жарима қўлланилади.

Савол: Жамоа ҳўжаликларидан шартнома асосида ижарага ер олиб, фаолият юритаётган жисмоний шахслар қандай шартнома режисида белгиланган миқдордаги махсулотни топшириб, ундан ортиқчасини ўзлари оладилар. Ана шу режадан ортиқча махсулот қиймати (даромад) солиққа қандай тартибда тортилади? Ушбу даромад солиғи яқка тартибдаги меҳнат фаолияти ҳисоб рақамига ундирилади-ми ёки ишчи-хизматчиларнинг даромадидан олинмадиган солиқ ҳисоб рақамигами?

Жавоб: Вилоят ҳокимиятининг 2002 йил 9 январдаги қарорига мувофиқ ижарага ер олиб ишлашдан келган даромадлар Ўзбекистон солиқ Кодексининг 55-моддасига асосан солиққа тортилади. Давлат даромад таснифида яқка тартибдаги меҳнат фаолиятидан олинмадиган солиқ ҳисоб рақами учун ҳисоб рақами белгиланмаганлиги сабабли ушбу даромад ишчи-хизматчиларнинг даромадидан олинмадиган солиқ ҳисоб рақамига ундирилади.

Савол: Туман ҳокимлигида рўйхатдан ўтган тадбиркор савдо-сотиқ билан шахар бозорларида шуғулланса, даромад солиғи туман ставкасида ҳисобланадими ёки шахар ставкасидами?

Жавоб: Агар тадбиркор фуқаролар вилоят ҳокимиятининг 2002 йил 6 февралдаги қароридан кўрсатилган бозорларда фаолият юригсалар, улар учун қорарда белгиланган ставкаларда солиқ ҳисобланади. Бошқа ҳолатларда эса, туман учун белгиланган ставкалар амал қилади.

Сухбатдош
Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИК

«Қолаверса, бу иллатга қарши кураш фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий йўналишидир», — дейди Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Шораҳим Расулов

лан берилмай келинмоқда. Жазони ижро этиш жойларидан бўшатилган ёлғиз ва ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ёки қариялар уйларига, воғая етмаганларнинг махсус ўқув юрталарига жойлаштириш чоралари ҳам кўрилмапти. Соғлиқни сақлаш муассасалари сурункали касалликларга чалинган шахсларни ҳисобга олиб, махсус шифохоналарга жойлаштириш масалаларида су-откашликка йўл қўйилмоқдалар.

Бир мартаба янглишиб, нотўғри йўлга кириб қолган, Президентимизнинг афв тўғрисидаги Фармонларига биноан доимий яшаш жойларига қайтиб келган, ҳаётини янгидан бошлашга аҳд қилган кишиларни иш билан таъминлашда ҳам мушкулликлар мавжуд. Шаҳар ва туман ҳокимликлари - ҳузуридидаги меҳнат биржалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

кониятларига доир ахборотларни ҳам ололмаптилар. Ишга жойлаштириш жараёнида ҳам жиҳдий камчиликлар юз берапти. Қибрай туманида афв бўйича жазодан озод этилганлардан фақат 94 кишига ишга жойлаштиришга ёрдам берилган. Бекобод, Чирчик ва Янгийўл шаҳарлари, Зағзота, Тошкент, Уртачирчик, Чиноз ва Янгийўл туманларидаги ахвол ҳам бундан яқин эмас.

Мана шундай нуқсонлар кечанига жазони ўташ муассасаларидан озод этилган кишиларнинг айримларини яна жиноят йўлига олиб кирмоқда.

Биргина мисол келтирмакчиман. Янгийўл шаҳрида яшаган Рустам Манобоев озодликка чиққач, мутлақо эътиборсиз қолдирилган. Илгари судланган Ринат Шигапов эса янги жой билан таъминланмаган. Оғир ахвол

ийлинг январь-февраль ойлари Охангарон шаҳрида автомашиналарнинг эҳтиёт қисмларини ўғирлаш ҳолатлари кўпайиб қолди. Текширишлар натижасида бу ўғирликларни амнистия бўйича озод этилган Суннат Солиқулов ҳамқишлоғи, илгари судланган Улурбек Йўлдошев билан бирга содир этаётганлиги аниқланди. Умуман, кейинги пайтларда муддатидан илгари озод этилган 84 киши томонидан вилоятимиз бўйича жиноятлар содир этилди. Уларнинг энг кўп қисми Ангрэн, Олмалик, Янгийўл шаҳарлари, Бўстонлик ва Чиноз туманлари ҳисобига тўғри келади.

Кейинги пайтларда шахар ва туман ҳокимликлари бу тоифа шахслар билан ишлашга эътиборни бирмунча қучайтирдилар. Ички ишлар идоралари маҳаллалар, ўзини ўзи бошқариш органла-

гийёҳвандлик авж олиб бораётганлиги жамоatchиликни таъбишига солмоқда. Бу ноҳуш ҳолатларнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўриляпти?

Бугун кўпчиликлари яқин маълумки, наркотик моддалар билан қонунга қилоф равишда муомала қилиш инсонларнинг соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маданий-маънавий негизларига гоғтада салбий таъсир кўрсатади. Гиёҳвандликнинг миллат маънавияти, шахсининг насл-насабини муҳити оқибатларга олиб боришини биламиз. Шу боис гиёҳвандликка аҳолининг тобора навқирон қатлами рўжу қўяётганлиги, айниқса, таъбишларидир.

Наркотик моддаларни тарқатиш ва истеъмол қилиш билан шуғулланаётган шахслар, афсуски, вилоятимизда ҳам кўпайиб бораёпти. Шу йилининг дастлабки икки ойи

бўлмоқда, ёш оғиллар қаровсиз қолмоқда. Уларнинг орасида аёллар ва воғая етмаган болалар салмоғи ортти бораётди.

Булар нимадан далолат беради? Аввало, бизнинг профилактика ишларимиз сўст. Гиёҳвандликга гумон қилинган шахсларни даволаш, уларни ўтлақонли ҳаётга қайтариш борасида профилактика инспекторлари, маҳалла фаоллари, қорхона ва ташкилот раҳбарлари янада ишчи ва самарали иш олиб боришлари керак.

Табиийки юзага келган вазиятда ички ишлар идораларини ислоҳ қилишга киришилади. Бу жараёнинг асосий ҳусусиятлари нимадандир иборат бўлмоқда?

Аввало, ички ишлар идораларининг таркибий тузилиши қайта ташкил этилди. Транспорт, алоқа ва бошқа

ТЕЗ ВА САМАРАЛИ

Вилоятда йўл-патрул хизмати тақомиллаштириб, унинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бораётди.

Баъзи шахарлар ва туманларда жиноatchиликнинг бирмунча «жонланishi» ҳусусан йўл-патрул хизмати ходимлари учун ҳам бир қатор муаммолар келтириб чиқармоқда. Уғрилик, инсон ҳаётига тажовуз, наркотик моддаларнинг тарқатилиши ва бошқа жиноatchиликларнинг олдини олиш, уларни очиб ва жиноatchилар жазоланишига эришиш улардан хушёрлик ва тежорликни кучайтириши талаб қилаётди.

Замонавий ҳаракат ва



алоқа воситалари, ходимларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлиги хизмат даражаси кўтари-

СУРАТДА: йўл-патрул гуруҳи иш устида.

МАҚСАД — ЁШЛАРГА ТЎҒРИ ЙЎЛ КЎРСАТИШ

Кейинги пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ёшлар ўртасида кенг тарғибот ва таъбишот ишлари олиб бориш, турли учрашувлар ҳамда тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилмоқда.

Мақсад эса аниқ — ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларнинг жиноatch кўчасига киришларига йўл қўймаслик, турли оқимларга қўшилиб кетишларининг олдини олишдир.

Ана шундай тадбирлар ички ишлар ҳамда прокуратура ходимлари ва «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда Тошкент туманидаги 14-мактабда ва Қибрай туманидаги энергетика коллежида ҳам ўтказилди. Тадбирда ўқувчиларни бўш вақтлари мазмуни ташкил этилиши, уларни қинғир йўللарга киришлари олдини олиш ҳақида сўз борди.



Ўз мухбиримиз.

МАҲАЛЛАЛАРДА УЧРАШУВЛАР

Бекобод тумани ички ишлар бўлими ҳамда кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда маҳаллаларда «Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш мавзусида учрашувлар ўтказилди».

Уларда ёшлар ўртасида жиноatchилик, гиёҳвандликнинг олдини олишда ички ишлар ходимлари билан маҳалла ақлининг ҳамкорлигини кучайтириш усуллари ҳақида сўз борди.

Йиғилганлар фойдали фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Ўз мухбиримиз.

— Мен фермерлик фаолиятини бошлашни ният қилиб, туман ҳокимлигига мурожаат қилган эдим. — дейди Пскент тумани Х.Қодирова номли деҳқон-фермерлар уюшмаси ҳудудида яшовчи У.Душаев, — ҳокимимиз тегишли қарор қабул қилиб, менга ер ажратишини ҳўжалик раҳбарига топширди. Аммо, раис бу ишни пайсалга солиб, қарий бир йил мени сарсон-саргардон қилди. Шундан сўнг, вилоят прокуратурасига шикоят аризаси билан мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Вилоят прокуратураси ушбу ҳолат юзасидан тегишли текширувлар ўтказиб, ҳўжалик бошқарувининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноий иш қўзғатди. Ҳўжалик раҳбари Х. Мирзатуллаевнинг ҳатти-ҳаракати ҳусусида эса, суд тегишли ҳукм чиқарди. Фермерга ва яна фермерлик фаолиятини бошлаш истагини билдирган 21 фуқарога 100 гектар ер ажратиб берилди.

Ана шундай қонунбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари қўрилмоқда. Ҳусусий тадбиркорлик ва фермерлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида ҳукуматимиз тарафидан бир қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинган. Ишбилармонларнинг ҳар бир ташаббуси давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Лекин, вилоят прокуратураси ушбу қонун ва қарорларнинг ижроси юзасидан жойларда олиб борган текширувлар жараёнида бу муҳим ишга тўсиқ бўлаётган

ҳўжатларни расмийлаштиришда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларга ер ажратилиши ҳамда бу жараёнинг амалдаги ижросини назорат қилиш, томонлар билан тузилган шартномаларнинг қонунга мувофиқлигини ўрганиб чиқилди. Ҳар бир туман ва шахар прокуратуралари қошида деҳқон, фермер ҳўжаликларига ҳамда тадбиркорларга ҳуқуқий-амалий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган алоҳида

соҳада 6729 киши иш билан таъминланган.

Шунга қарамай 2001 йил мобайнида айрим назорат идоралари томонидан фермер ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини поймол қилиш, улардан келган ариза ва шикоятларни ҳал этишда сансалорлик, ўзибўлмасликка йўл қўйилганлиги аниқланди.

Чирчик, Янгийўл, Олмалик, Ангрэн шаҳарлари давлат солиқ идораларининг

Масалан, Чирчик шахар давлат солиқ идораси томонидан «Хусайн Мирзо», «Дарақчи М», «Алгоритм», «Мевазор», «Наврўз», «Мирмахмуд», «Муҳаррам», «Давлат» ва бошқа бир неча фирма, ҳусусий қорхоналарга нисбатан қонуний ҳатти-ҳаракатлар қилиниб, иқтисодий ҳамда маъмурий жарималар қўлланганилиги, Албатта, ушбу қонунбузарликка нисбатан тевакор чоралар қўрилиб, чиқарилган қарорларга протестлар келтирилди ва улар бекор қилинди. 50 дан зиёд солиқ ходимлари интизомий жавобгарликка тортилган.

Ҳуқуқий-амалий қонуний ҳолатлар фермерлар фаолиятига ҳам тўсиқ бўлаётгани текширувлар жараёнида аниқланди.

Чунинчи, куйичирчиклик Т.Абдуқалилов 1993 йилдан буён ўзининг фермер ҳўжалигини тутатиш тўғрисидаги туман ҳокимияти томонидан қарорини бекор қилдирилмай, 8 йил давомида сарсон бўлган. Прокуратура ходимларининг аралашуви билан ҳоким қарори бекор қилинган ва фермер ҳуқуқи тикланган.

Яна бир мисол: Янгийўл тумани ҳокимияти қарори билан 21 фермердан ер майдонлари қонуний равишда олиб қўйилган.

Куйичирчик туманидаги «Мўл ҳосил», «Саидрасул»,

«Тожибой ота», фермер ҳўжаликларига раислар «Тошкентдонмахсулот» акциядорлик жамияти томонидан топширилган бўғдой учун 3 миллион сўм маблағ берилмаётганлиги ҳақидаги шикоят билан мурожаат қилишди. Ушбу пайсалга солинаётган ишлар ҳуқуқий ҳимоя этувчи идоралар томонидан ўрганиб чиқилган ва фермерлар фойдасига ҳал этилган, ҳақлари ундириб берилган.

Фермер ва тадбиркорликни иқтисодий тарафдан қўллаб-қувватлаш, давлат томонидан берилмаётган имтиёزلардан фойдаланишларига кенг йўл очиб бериш энг асосий амиллардандир. Бу борада банкларнинг фаолияти алоҳида ўрин эгаллайди. Тадбиркор ва фермерлар имтиёзли кредитлар олишларига гоғ бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш, аризаларни қонунда белгиланган муддатда қўйиб чиқиш, мейёрий ҳўжатларда кўрсатилмаган ортиқча қоғозбозликларни талаб этмаслик, ҳисоб-китоб рақамларини очиб қилиш амалий ёрдам кўрсатиб, янгидан ташкил этилаётган фермер ва тадбиркорлик субъектлари банк хизматларидан фойдаланишларини тўғри ташкил

Қарор ва ижро

етиш муҳимдир. Афсуски, бу соҳадаги фаолиятда ҳам жиҳдий камчилик ва нуқсонлар учрамоқда.

Чунинчи, Ойбек номи ширкат ҳўжалигида яшовчи М. Умирова ўзининг деҳқон ҳўжалиги учун банда ҳисоб рақамини ололмаётгани ва кредит ололмаётгани тўғрисида туман прокуратурасига мурожаат қилди. Ариза текшириб қўрилган, бу ҳолат қонуний деб топилди, банк муассасасида ҳисоб рақами очилган. Фермерга зотли қорамол ва озуқа махсулотларини сотиб олиш учун 1 миллион сўм имтиёзли кредит берилган.

Бу каби муаммолар тежор ҳал этилса, олди-мизга қўйган мақсадларга етишимиз, тадбиркорлик ва фермерликни янада раванқ топтиришимиз, ҳозиргидан ҳам юқори самараларга эришишимиз мумкин.

Тадбиркорлар учун зарур имконият яратилса, ишчи қандай юргизиш, юқори натижаларга эришишни ўзлари яқин билишадди. Фақат улар йўлидаги ортиқча гоғлар илдамроқ бартараф этилиши керак.

Равшан ҲУҲБАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

ПРОКУРОРНИНГ АРАЛАШУВИ ШАРТМИДИ...

МЕТАЛЛУРГУШ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Уртачирчик тумани ички ишлар ходимлари тўғри тадбирлар чоғида, Уртасарой кишлоғида яшовчи Ф. Ибрагимовни 514 килограмм металл чиқиндиларини Қозғистон Республикасига олиб чиқиб кетаётган пайтда қўлга олдилар. Хозир ушбу қонуний ҳатти-ҳаракат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Хуқук идораси ходимлари томонидан деҳқон ва фермер ҳўжаликларига ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда сансалорлик ва тураларча муносабатларни бартараф этиш, айниқса, деҳқон-фермер ҳўжаликларини рўйхатга олиш жараёнида соддалаштириш,

хоналар ажратишиб, мутахассис ходимлар бириктирилган. Албатта, амалга оширилаётган ишлар ўзининг самарасини бермоқда. Шу кунга қадар вилоятда 4470дан зиёд фермер ҳўжаликларини ташкил этилиб, улар учун 70 минг гектарга яқин ер майдонлари ажратилган. Бугунги кунда бу

фаолиятини ўрганиш шунчи кўрсатдики, бу солиқ нозирликлари тарафидан 40 нафар тадбиркорларга қонуний тарзда маъмурий ва иқтисодий жарималар солинган. Ушбу ҳолат юзасидан иш қўзғатилиб, 1 миллион сўм қонуний жарима тадбиркорларга қайтарилиб, уларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Хуқуқ идораси ходимлари томонидан деҳқон ва фермер ҳўжаликларига ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда сансалорлик ва тураларча муносабатларни бартараф этиш, айниқса, деҳқон-фермер ҳўжаликларини рўйхатга олиш жараёнида соддалаштириш,

ОЛМАНИНГ БАҲОСИ

Бир йигит йўлда кетаётса, олдига даракдан бир олма «тўп» этиб тушибди. Йигит уёқ-бўёққа қараб, олманинг эгасини кўрмабди. Шунда у қирғинчи олма олиб, оқиб турган сувга ювибди ва бир тишлабди. Шу пайт олдидан бир барваста киши чиқиб:

— Хой йигит, нега сен сўрамасдан, менинг олманми ўғирлаб еясан? — деб дўк қилибди.

— Йўқ, амаки, кечирасиз, мен олмангизни ўғирлаганим йўқ, олма оёғим остига келиб тушган эди, олиб еяман, — дебди йигит. Лекин, у одам жуда қайсар экан, йўқ, ўғирладинг, деб туриб олибди.

Охири йигит:

— Хўп, майли, ўғирлаган ҳам бўлай, бу гуноҳимни нима қилсам кечирасиз? — деб сўрашга мажбур бўлибди.

— Бу гуноҳингни ювиш учун менинг қизимга уйлансан, — дебди киши.

Йигит хайрон бўлиб қолибди, иккиланибди.

— Майли, сиз айтганча бўлсин, уйланман, — дебди нўхоят.

— Лекин, билиб қўй, қизимнинг икки оёғи шол, икки қўли фалаж, икки кўзи кўр, — дебди киши.

— Йигит сўзи битта, — дебди йигит, — қандай бўлса ҳам, қизингизга уйланман.

Шундай қилиб, йигит бу кишининг қизига уйланибди. Ғушангада кўрасаки, ёрининг оёқ-қўли соғ, кўзлари чўлпон, қадди-баста келишган сарва-

том, табиблар «хавф»ли деб аташган олмосни эгасига қайтариш ўрнига, уни «отишини афзал» билди. Уни Таверенье исми француз сайёҳига жуда арзон баҳога сотиб юборди.

Ибратнома

эмас, оёғи шол деганим, остона хатлаб кўчага чиқмаган, қўли фалаж деганим, сендан бошқанинг қўли қизимнинг қўлига тегмаган, — деб жавоб берибди қайнота.

Йигит қайнотасининг бу лутфи ва мардлигига тасанно айтган ва ёри билан қўша қариган экан.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Китобингизни ўқидим

ҲАЁТГУЛИ АБАДИЙ БЎЛСИН

Аввали укам, Маммур Бозор Али! «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган «Ҳаётгули» шеърый тўпламингизни қўлга оларканман, бир воқеа ёдимга тушди.

...Шунда Қизилтов этакларида Бахшо боно айтган ўнлар, унинг дўмбирасидан таралган жонолчи садоларга андармон бўлиб, кеч қирганини сезмай қолибман. Уйга қайтмасам бўлмасди. Йўловчи машинада йўлга чиқдим. Одатда шофёр халқи сўзасом келади. Устига-устак ҳамроҳим шоиртабиатроқ экан, суҳбатимиз қизиқ кетди. Хайдовчи йигит:

*Омонат дунёда умримиз азиз,
Хаскима кўп бизники эртанинг кундан.
Наҳотки қандайдир уяраб қолсангиз,
Яхши сўзларингиз аямаг мендан...*

сатрларини, шундай санимий ва ифодали қилиб ўқидики, хайратдан антики кетдим... Кўнглим гугуриб, мазкур мисралар муаллифи — сиздай шоир укам борлигидан қувондим.

Бугун ана шу хайратларимни, ана шу қувончимни сиз билан баҳам қўришга шошилдим. Тўпламдаги шеърлар мени анча мамнун этгани рост. Чунки, уларда сўз дардини Халқ дардига, Ватан дардига айлантира оласиз. Сиз янги шаклий изланиш қилмайсиз, ундан кўра анъанавий шаклларида (ҳижо ва арзуда) ёзишни хуш кўрасиз. Албатта, бу йўл кўп бора сингалган йўл, унда қоқилиш ярамайди. Бу борада сизинг ҳам ўзингизга соҳ топишларингиз бор, албатта.

Харқалай, шеърларингиздан мамнун бўлганимни айтганим. Мана улар:

*Дунёни танитган кўзимдир — Ватан,
Жаҳонни танлаган сўзимдир — Ватан.
Пўқотсан ўзгича ўзида топибим,
Қайта анлаганам — ўзимдир — Ватан.*

Эки,

*Отандан мерос қолган табаррук маскан —
Бизга шу дунё керак, дунё керакмас!*

Шеърларингизга Ватан мавзусининг кириб келиши ўйини Ватанга, унинг соҳибини эса, ватандошга айлантира олган. Шу ўринда «Ватан ишқи», «Бизга», «Шу замин фарзандиман» каби шеърларингизни алоҳида таъкидлаб ўтгим келади.

Тўпламга кирган бир қатор шеърлар борки, улар табиат, ишқ туйғулари, замона зайлининг армонлари ҳақида бўлиб, уларда баъзан сокинлик, баъзан жўшқинлик, баъзан қизғин эҳтирос билан йўғрилган дарҳат, майса, осмон, замин таъшиллари, Ватан ва инсон тасвирлари умуминсоний эъгуликни тараннум этувчи эъгулик уруғлари бўлиб, улар шеърхон қалбига кўтаринки руҳ, яхши кайфият бағишлайди, деб ўйлайман.

«Ҳаётгули» ўзига хос жилавага овозга ва ҳақиқий истеъдодга эга ижодкор кириб келаятганидан далолат берувчи таърифнома бўлибди. Бундай дейишимга «Аттор қўли» — «Бир ёнда бозор», «Омонбой девоннинг дуо», «Ит вафоси ва хотин жафоси ҳақида ривоят» каби бахуват шеърлар мисол бўла олади.

Мен мунтазам давом этаётган, доимий ҳаракатда бўлган ҳаётда шеърларингиз камол топишига, кўнглингиздаги эъгу умидларингиз албатта рўёбга чиқишига тилакдошман.

Шавкат ТУРОБ.

Анжуман

ИСТИҚЛОЛ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД



Абдулла Қодирий номдаги Тошкент давлат маданият институтида "Баркамол авлод" миллий истиқлол...

Бобурийлар сулоласининг биринчи шоҳи Бобурнинг бўйнига ҳинд қабилалари, мусулмон элатлари томонидан «Химмат» деб аталган бу зангори олмосни Бобурдан кейин унинг тахтига ўтирган, мамлакатда даврон сурган барча Бобурий шоҳлар ҳукмронлик рамизи сифатида бўйинларига осиб юрганлар. Қўлларидан келганча адолатли, ҳимматли ва саховатли бўлганлар. Зангори олмос ҳам бунга жавоб тарзида, уларнинг руҳини тетиклаштириб, қудратига қудрат, кучига куч қўшган, бало-қазолардан сақлаган. Айтишларича, душман томондан Шоҳ Жаҳонга қараб отилган ўқ, жавоҳирга тегиб, четга учиб кетган. Акбар Шоҳ кўкрагига санчилиши керак бўлган қотил ханжари олмосга тегиб, синган. Аврангзебининг олдига қуйилган лиёладаги захарли гулб, олмос тегиб кетиб тўқилган...

Олмос билан боғлиқ бўлган Бобурийлар хонадонининг бундай ҳикояларини кўп билган Баҳодиршоҳ, ичидан чиққан қандайдир нотаниш бир тўлқин, қандайдир бир қувват сеҳри, унинг таъсири остида бундай мурувватни қилиб қўйди-ю, шу он сесканиб кетди. Аммо кеч эди — олмосли занжир бенгалияликнинг бўйнида эди. Муршидининг бўлса қувончдан кўзи чакнаб кетди.

— Барча ҳукмларингизни бажараман! Тананда бир томчи қон қолгунча салтанатингизга хизмат қиламан, — деб ваъда қилди у.

Ун минг аскар бошида Сураат шаҳрини тарк этган Муршид, охириги сипоҳ шаҳар дарвозасидан чиқишга улгурмасидан ўз ваъдаларини ҳам, шоҳнинг топширини ҳам унутди. Голкондага бориб, адолат ўрнатиш ўрнига Бенгалияга йўл тутди. Бенгалияга келган, султону Мансурни қатл қилиб, катта йиғин чақирди, ўзини Бенгалиянинг янги султони Муршидий Кулихон деб эълон қилди. Бу ҳақда мамла...

Тошлар тилга кирганда

лардан икки юздан ортиқ олийнасаб аёллар тўланди. Таверенье Лувр зиналаридан охишта кўтарилган экан, Калкутта султониининг хашаматли саройини эслади. Очқ кўкракли қўйларга қийиб Лувр катлазалининг икки чеккасига оқушлардек тизилиб, виқор билан турган сарой аёлларини кўриб хайратланди. Таверенье саройдон барчага таъништиргандан сўнг қирол, ушбу йиғилиш, машҳур сайёҳнинг ўз ватанига қайтганилиги

ЁВУЗ ҚУББА

Беш ёшида Франция тахтига ўтирган, Бурбонлар наслидан бўлган, етмиш тўрт ёшли Людовик XIV ўз ёшига ярашмаган даражада энгилтак, улаэли ва пардоз-андозга ўч, қимматбах буюмлару жаво-

Сирли Гавҳар

хирлар деса ўзини томдан ташилочви, гўзал аёллар олдига эсидан оғуви шилқим қирол эди. Қўлни мамлакат — Испания билан мерос талашиб, 1701 йилда бошланган уруш ўн йилдан бери давом этаётгани қарамай, кул сайин қашшоқлашиб бораётган халқининг тез-тез кўзголон қилишига парво қилмай, айшу-ишратга муккасидан кетган кекса қирол бод маскардлардан, зиёфатлардан сира чарчамас эди.

Қандайдир Таверенье деган сайёҳ Ҳиндистон сафаридан қайтибди, кўп саргузаштларни бошидан кечириб, фаройиб нарсалар олиб келибди, деган гап Парижнинг хушчакча клубларига тез тарқалди. Ҳали бирор тайинли тураржой топиб улгурмаган Таверенье Луврга, қирол саройига қирол яқинлигига мўлжаллашиб ҳозирланаётган зиёфат, катта базмга айлиниб, пойтахт ва унинг атрофидаги графлик-



Сирли Гавҳар

шарафига ташкил қилинганлигини, шу сабаб, зиёфат ва балдан олдин меҳмоннинг сафар саргузаштларидан эшитиш иштиқи бўлганини айтиб, зал бурҷага ўрнатилган минбарни Тавереньега кўрсатди...

— Нимадан бошласам экан? — деди ҳижолат тортиб сайёҳ, залдан садо чиқмаган, яримтаюрумта қилиб гап бошлади. — Ҳиндистон жуда катта... Франциядан беш-ўн марта каттадир. Мамлакатни туристиконлик Теурбек авлодларидан бўлган Бобур шў авлоди идора этади. Шунинг учун бунда керак бу, мамлакатни Бобурийлар сулоласи деб юритишди.

— Бойликларидан гапиринг! — бурорди қирол.

— Жуда бой мамлакат. Иморатлари фақат оқ мрамардан, жуда нафис қилиб қўрилган, — деди Таверенье ва залдагиларнинг жонлиб кетганидан завқланиб, илҳом билан гапга тушди. — Қўларидан тош эмас, мрамар ётқизилган бўлиб,

дори-дармонларию сарой аҳлининг парварошларига қарамай, шох борган сари сувсиз қолган майсадек сўларди.

1712 йилнинг 22 июнида улуг Ғанг дарёсининг бошланғичида, ўнг қирғида қад кўтарган Дехлида Бобурийлар салтанатининг сўнгги шоҳи оламдан ўтди. Шоҳнинг энгилгани ҳақида ҳали лаҳадаги қўйилмай туриб, худди шу кун, худди шу Гангнинг ўнг қирғоғига асос солинаётган Муршидод бод шаҳрида жинниликдан жазавага тушиб қолган Муршид Кулихон севикли хотинини сўйиб қўйди. Бундай даҳшатли фожеадан бироз ўзига келган тентак султонга сарой табиблари, унинг бўйнидаги олмосни хавфли санаб, тошни асил эгасига — Бобурийлар саройига қайтарилиши маслаҳат беришди. Бу маслаҳат султонга маъқул тушади. Аммо хасис султ-

Б. БОТИРОВ, УЗА мухбири.

СКАНВОРД

Мусовий	Қирғиз эпоси	Леонардо Да Винчи...
Сотқин	Отонинг описи	Энг серсув дорё
Дон маъсулони	Донр	Даракт
Эрта тонг	Гуруҳ номи	Гуруҳ номи
Мирзо	Боксчи яси	Қадимий шаҳар
Расқин	Мева	Асал
Фосил	Тулпор	Уя
Халқ ҳақорати	Подар	100 (руқ)
Нота	Самолет русуни	Ука
Саз турни	Кошчи	Фарф, фиғон
Хасса	Туман (номинган)	Ранг
Мунжаз-жанаур	Самолёт русуни	Ука
Мунжаз-жанаур	Одам	Африқаданги доғат
Мунжаз-жанаур	Ваҳор элчиси	Эстрада жанри

Тузувчи: Урол АЛЛАМУРОВОВ.

Кулганга Нима Етсин!

ШУНИСИ ДУРУСТ

— Менга ёзиб берган дорингизни ичишга удгурмасимдан, ҳаммасини қайт қилиб ташладим, — деди шифокорга бир бемор хоним.

— Қайт қилганингни дуруст бўлибди. Чунки, у дори ичишга эмас, баданингизга суртишга берилганди.

ФИКРЛАРИ ҚАЛАЙ

— Умуман олганда, ҳамкасб, ҳали миҳозларим билан бирга яшасам бўлади.

— Ажабо! Айтинг-чи, улар ҳам сиз тўғрингизда шундай дея олишадими?

ЯХШИ МАСЛАҲАТ

— Дада, катта бўлганимда, кўз доктори бўлганим яхшими ёки тиш доктори?

— Албатта, тиш доктори бўлганим яхши! Негаки, одамларда икки кўз бор, тишлари эса ўттиз иккита.

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ

Профессор:

— Кислород барча жонли мавжудот учун зарур, усиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Кислород бундан атиги юз йил аввал кашф этилган.

Талаба:

— Кислород кашф этилмасдан аввал ҳам ерда ҳаёт бўлганмиди?

Газетанинг 13 март сонида берилган кроссворднинг жавоблари:

Бўйига: 1. Чорсу, 2. Афиша, 3. Шимпанзе, 4. Юклар, 5. «Гирдоб», 6. Филиппин, 12. Йимон, 13. Узак, 14. Тепа, 15. Идеал, 18. Келес, 21. Шайхзода, 22. Амма, 24. Токи, 24. Улжа, 25. Қораўлак, 28. Хайвон, 29. Мисротер, 32. Сония, 34. Илмон.

Энига: 7. Чигиртка, 8. Тириммир, 9. Умар, 12. Одра, 11. Юзак, 14. Тепки, 15. Анзоб, 16. Юзбоши, 18. Капкир, 19. Фельд, 20. Гала, 26. Хасмом, 27. Султон, 28. Ҳакам, 30. Сохта, 31. Анави, 32. Сайр, 33. Эски, 35. Эдмонтон, 36. Кекирдик.

СУЮНЧИ НЕЧА СЎМ?

Бир дўстим яқинда: «Фарзандли бўлдим, табрикламайсанми?», деб қолди.

— Табриклайман, ўғилми-қизми? — дарров қизкиби сўрадим.

У ҳам кўкрак кериб: «Бизники ўғил бўлади», деб қўйди. Кейин: «Бугун туғруқхонадан олиб чиқаман», деди.

Эртаси кун яна учрашиб қолдик. «Ҳа, олиб чиқдингми!» деб сўрадим. Тўлиб турган экан,

дардини тўкиб солди. Янги меҳмонни туғруқхонадан олиб чиқиш учун борган экан: «Ака, суюнчи бермайсизми, ахир», деб хотинига доялик қилган аёлнинг кетидан тўртта ҳамшира қатор тизилиб чиқишпти. Ноилож чўнтагида бор пулини бўлиб берипти. Улар эса, раҳмат дейишни ҳам унутиб, норози қиёфада орқаларига бурилиб кетишибди.

— Хотининг: «Неча сўмдан суюнчи бердингиз», деб сўраб қолди, — сўзини давом эттирдим дўстим. — Доялик қилган аёлга шунча, қолганларига бунчадан бердим, десам, у: «Кам берибсиз, ҳозир дояларга фалон сўмдан, ҳамшираларга ҳам фалон сўмдан беришаётган экан», — деб қолди. Хайрон бўлиб туриб қолдим. Наҳотки, суюнчи пули шунча бўлса? Ахир, бу пулга бир ой ишлашимга тўғри келадими?! Қолаверса, туғруқхоналарда суюнчининг ҳам ўз ўлчам бор эканми?

Камолитдин АСҚАРОВ.

Луқма

гиз», деб сўраб қолди, — сўзини давом эттирдим дўстим. — Доялик қилган аёлга шунча, қолганларига бунчадан бердим, десам, у: «Кам берибсиз, ҳозир дояларга фалон сўмдан, ҳамшираларга ҳам фалон сўмдан беришаётган экан», — деб қолди. Хайрон бўлиб туриб қолдим. Наҳотки, суюнчи пули шунча бўлса? Ахир, бу пулга бир ой ишлашимга тўғри келадими?! Қолаверса, туғруқхоналарда суюнчининг ҳам ўз ўлчам бор эканми?

Камолитдин АСҚАРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ **Муассис:** **ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

Шефолар: **Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48** **Эълонлар: 133-40-48, 136-56-29**

Манзил: **700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида тартиб ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларингиз тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.